

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ
ХАБАРНОМАСИ**

1 (71) 2018



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

1 (71) 2018

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

МУНДАРИЖА

Агрокимё ва тупроқшунослик

<i>Муратқасимов А.С., Гафурова Л.А.</i> Лалмикор типик бўз тупроқлар шароитида турли маъданли ўғитларни қўллаш самарадорлиги.....	7
<i>Артикова Ҳ.Т., Шарипов О.Б., Назарова С.М., Бафоева З.Ҳ.</i> Бухоро воҳаси тупроқлари ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий тавсиялар.....	10
<i>Қурвонтоев Р., Мусурмонов А.А.</i> Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг умумий физикавий хоссаларига мульчалаш ва кам ишлов беришнинг таъсири.....	13
<i>Қурбонов М.М., Эргашева О.Х., Солиева Д.В.</i> Қашқадарё воҳаси деградацияга учраган тупроқларининг агрокимёвий ва механик хоссалари.....	17
<i>Муродова С.С., Давранов К.Д., Таиматова М.А., Собирова М.Б.</i> Аннотация.....	21
<i>Эргашева О.Х., Жуманиёзова Д.К., Эшова Х.С., Гафурова Л.А.</i> Айрим тупроқ типларидаги фитонематодаларнинг фаунаси.....	24

Агроэкология

<i>Юлдашева Ш. Panaphis juglandis</i> тури бўғинларининг ривожланиш цикли.....	28
--	----

Биоэкология

<i>Мухаммадиев Б.К., Джуманиязова Г.И., Қурбонмуродов Б.Б.</i> Озиқа муҳити аралашмасидаги <i>Trichoderma harzianum</i> -25/П замбуруғи биомассасининг оксил миқдорини аниқлаш.....	32
<i>Бахтиёрва М.С., Бекмухамедова Н.К., Ташпулатов Ж.Ж., Мамиев М.С.</i> Турли усулларда сақланган микромицетларнинг антагонистик хусусиятлари турғунлиги.....	35
<i>Юнусов Х.Б., Колодей В.С.</i> Атроф мухитни ифлослантирувчи моддаларнинг барқарорлиги ва уларнинг табиий мухитга мослашиши.....	39

Дехқончилик ва мелиорация

<i>Ахмурзаев Ш.И.</i> Тупроқ ҳарорати, намлиги ва пахта ҳосилдорлигига мульчалаш усулларининг таъсири.....	45
<i>Юнусов Х., Солтанов С.</i> Сув токсиклигини баҳолаш учун биотестнинг фойдаланиш истиқболлари.....	47
<i>Бобаева А.С., Раббимов А.</i> Боялич - <i>Salsola Arbuscula Pall.</i> ўсимлигини қарнабчўлда иқлимлаштириш шароитида сув режими хусусиятлари.....	51

Мева-сабзавотчилик ва ўрмончилик

<i>Абдуллаева Х.Р., Махмарасулов С.С.</i> Тошкент вилояти шароитида боғда қулупнай илдиз тизимининг морфологик ривожланишининг хусусиятлари.....	55
<i>Наркабулова Н.Ч.</i> Янги истиқболли шароббоп узум (<i>Vitis vinifera</i> L.) нав-намуналари увологияси ва биокимёвий хусусиятлари.....	58
<i>Адилов М.М., Рустамов Б.А., Зуев В.И., Рустамов А.С., Аманова М.Э.</i> Ўзбекистон шароитида такрорий муддатда етиштириладиган оқ ва қизил бошли карамларнинг биокимёвий таркибини аниқлаш.....	62
<i>Ҳамзаев А.Х.</i> Жанубий минтақа шароитида эртаги картошка етиштириш учун энг мақбул навлар.....	65
<i>Борасулов А.М.</i> Бодрингни қайта ишлаш учун мос, касалликларга чидамли навлар селекцияси.....	69
<i>Намозов И.Ч., Сатторов О.О., Мансуров А.</i> Анорни ёғочланган қаламчаларидан кўчатини етиштиришда экиш схемаларини таъсири.....	73
<i>Нормуратов И.Т., Намозов И.Ч.</i> Интенсив боғлар учун паст бўйли пайвандтагларда олма кўчатини етиштириш технологияси.....	75

Пахтачилик

<i>Авлиякулов М.А., Ғонпоров Ф.Ф., Ғонпорова З.И.</i> Ғўзани кўчат усулида парваришлаш.....	79
<i>Шамсиев А.С., Ғонпоров Ф.Ф.</i> Ўрта толали ғўза навларичигити униб чиқиш динамикасининг пахта хосилига таъсири.....	83

Селекция, генетика ва уруғчилик

<i>Рузубоев Х.С., Норбобоева Р.Б., Имамходжаева А.С., Буриев З.Т.</i> Рнк интерференция - “Ген-нокаут” технологияси асосида олинган ғўза (<i>Gossypium</i> spp.) линияларида фенотипик белгиларни қиёсий таҳлили.....	86
--	----

Ўсимликларни ҳимоя қилиш

<i>Саидов И.Р., Кимсанбаев Х.Х.</i> Ғўзадаги трипсларга қарши энтометрин 25% эм.к. препаратининг кўллаш самарадорлиги.....	90
<i>Сулаймонов Б.А., Жумаев Р.А., Собиров Б.Б., Гозибекоев А.С.</i> Паразит энтомафагларни (<i>бракон; трихограмма</i>) агробиоценозда зараркунандалар сонини бошқаришдаги аҳамияти.....	92
<i>Авазов С.Э.</i> Пиёз ўсимлигининг замбуруғ турлари қўзғатадиган касалликларига қарши лаборатория шароитида фунгицидларнинг самарадорлигини аниқлаш.....	95
<i>Жумаев Р.А., Собиров Б.Б., Таджиева М.И.</i> <i>Noctuidae</i> оиласи вакиллари ғўза агробиоценозидаги турлари, иктисодий хавfli мезони ва уларни паразит-хўжайин муносабатлари.....	98
<i>Муродов Б., Сулаймонов О., Яҳёев Ж.</i> Карантин зараркунанда – цитрус инли куяси (<i>Phyllocnistis citrella</i>).....	101

Ўсимликшунослик

<i>Ўразметов Қ.К.</i> Шоли навларининг ўсиш ва ривожланишига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири.....	106
--	-----

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрификациялаш

<i>Эргашев М.М.</i> Комбинациялашган борона дискли юмшаткичларининг технологик иш жараёни.....	109
--	-----

Қисқа ахборотлар

<i>Р.А.Жумаев, Б.А.Сулаймонов.</i> <i>In vitro</i> муҳитида кўпайтирилган <i>Bracon hebetor</i> say турини маккажўхорида ғўза тунламига қарши кўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш.....	113
<i>М.О.Қобилова.</i> Тут одимчисининг зарари ва унга қарши кураш чоралари.....	114
<i>Н.Б.Раупова.</i> Тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқлари гумусининг гуруҳий ва фракциявий таркиби.....	117

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар

<i>Р.Ю.Милушева, О.Б.Авазова, С.Ш.Рашидова.</i> Ипакчилик корхона чиқиндиларидан оксил ажратиш инновацион технологияси ва уни қишлоқ хўжалигида кўллаш.....	121
<i>Т.Тургунов.</i> Пода ҳаракати ва таркибини иктисодий-математик усуллар ёрдамида оптималлаштириш.....	125

Муаммолар. Муҳокамалар. Фактлар.

<i>Н.Норалиев, Р.Абдуназаров.</i> Экишда уруғ сарфининг рационал миқдорини аниқлаш масалалари.....	131
<i>С.Л.Салихова.</i> Қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларида талабаларга инфорацион технологиялар орқали инглиз тилини ўқитишда тинглаш масалалари.....	134
<i>И.Р.Хўжамуродов.</i> Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик анъаналари.....	137
<i>М.Э.Абдураимова.</i> “Авесто” да куёш мадхи.....	143

СОДЕРЖАНИЕ

Агрохимия и почвоведение

- А.С. Мураткасимов, Л.А. Гафурова.* Эффективность применения разных форм удобрений в условиях типичных сероземов.....7
- Х.Т.Артикова, О.Б.Шарипов, С.М.Назарова, З.Х.Бафоева.* Научные рекомендации по улучшению мелиоративного состояния почвы Бухарского оазиса.....10
- Р.Курвонтоев, А.А.Мусурмонов.....перевод.....*13
- Курбонов М.М, Эргашева О.Х, Солиева Д.В.* Аннотация.....17
- С.С.Муродова, К.Д.Давранов, М.А.Ташматова М.Б. Собирова.* Эффективность использования новых агротехнологий на основе микробных препаратов на засоленных почвах Узбекистана.....21
- О.Х. Эргашева, Д.К. Жуманиёзова, Х.С. Эшова, Л.А.Гафурова.* Фауна фитонематод некоторых типов почв.....24

Агроэкология

- Ш.К.Юлдашева.* Цикл развитие поколений вида *Panaphis juglandis*.....28

Биоэкология

- Б.К.Мухаммадиев, Б.Б.Курбанмуратов.* Определение белка биомассы гриба *Trichoderma harzianum*-25/р в смеси субстратам.....32
- М.С.Бахтиёрва, Н.К.Бекмухамедова, Ж.Ж.Ташпулатов, М.С.Мамиев.* Сохранность антагонистической способности микромицетов при хранении различными методами.....35
- Юнусов Х. Б., Колодей В.С.* Естественная устойчивость поллютантов и их способность к разложению в природной среде.....39

Земледелие и мелиорация

- Ш.И.Ахмурзаев.* Влияние способов мульчирования на температуру, влажность почвы и урожайность хлопка.....45
- Юнусов Х. Б., Солтанов С.Х.* Перспективы использования биотестирования для оценки токсичности вод.....47
- А.С.Бобаева, А.Раббимов.* Аннотация.....51

Плодо – овощеводство и лесоводство

- Абдуллаева Х.Р., Махмарасулов С.С.* Особенности морфологического развития корневой системы садовой земляники в условиях Ташкентской области.....55
- Н.Ч.Наркабулова.* Биохимические особенности и увология новых перспективных винных сортов образцов.....58
- Адилов М.М., Рустамов Б.А., Зувев В.И., Рустамов А.С., Аманова М.Э.* Биохимический состав белой и краснокочанной капусты при повторном возделывании в Узбекистане.....62
- А.Х.Хамзаев.* Лучшие сорта для выращивания раннего картофеля в условиях южного региона.....65
- А.М.Борасулов.* Селекция сортов огурца консервного назначения, устойчивых к болезням.....69
- И.Ч.Намозов, О.О.Сатторов, А.Мансуров.* Влияние схемы размещения одревесневших черенков граната на развитие саженцев.....73
- И.Т.Нормуратов, И.Ч.Намозов.* Аннотация.....75

Хлопководство

- М.А.Авлиякулов, Ф.Ф.Фопторов, З.И.Фопторова.* Возделывания хлопчатника с методом рассадой.....79

<i>А.С.Шамсиев, Ф.Ф.Фопторов. Аннотация.....</i>	83
--	----

Селекция, генетика и семеноводство

<i>Х.С.Рузибоев, Р.Б.Норбобоева, А.С.Имамходжаева, З.Т.Буриев. Сравнительный анализ фенотипических признаков линий хлопчатника (<i>Gossypium</i> spp.), полученных на основе технологии рнк-интерференции-“Ген-нокаут”.....</i>	86
---	----

Защита растений

<i>И.Р.Саидов, Х.Х.Кимсанбаев. Изучение эффективности применения препарата Энтотетрин 25% эм.к. против трипса хлопчатника.....</i>	90
<i>Б.А.Сулаймонов, Р.А.Жумаев, Б.Б.Собиров, А.С.Гозибеков. Значение паразитных энтомофагов (бракон, трихограмма) в регулировании численности вредителей в агробиоценозе.....</i>	92
<i>С.Э.Авазов. Эффективность применения фунгицидов против возбудителей грибных болезней лука в лабораторных условиях.....</i>	95
<i>Р.А.Жумаев, Б.Б.Собиров, М.И.Таджиева. Взаимо отношения между хозяином и паразитом, экономическая опасность виды агробиоценоза хлопчатника семейства Noctuidae.....</i>	98
<i>Б.Муродов, О.Сулаймонов, Ж.Яхёев. Карантинный вредитель – цитрусовая минирующая моль (<i>Phyllocnistis citrella</i>).....</i>	101

Растениеводство

<i>К.К.Ўразметов. Эффекты времени посадки и норм на рост и развитие стеблей растений риса....</i>	106
---	-----

Механизация и электрификация в сельском хозяйстве

<i>М.М.Эргашев. Технологический процесс работы дисковых рыхлителей комбинированной бороны.....</i>	109
--	-----

Краткие сообщения

<i>Р.А.Жумаев, Б.А.Сулаймонов. Применения и определения биологическое эффективности <i>Bracon hebetor</i> say разведенный в <i>invitro</i> среде против хлопковой совки на кукурузе.....</i>	113
<i>М.О.Қобилова. Аннотация.....</i>	114
<i>Н.Б.Раупова. Групповой и фракционный состав гумуса горно-коричневых выщелоченных почв... </i>	117

Инновационные технологии в сельском хозяйстве

<i>Р.Ю. Милушева, О.Б.Авазова, С.Ш.Рашидова. Инновационная технология выделения белка из отходов производства шелка и его использование в сельском хозяйстве.....</i>	121
<i>Т.Тургунов. Оптимизация структуры и движения стада с помощью экономико-математических методов.....</i>	125

Проблемы. Суждения. Факты.

<i>Н.Норалиев, Р.Абдуназаров. Аннотация.....</i>	131
<i>С.Л.Салихова. Вопросы аудирования при обучении английскому языку студентов сельскохозяйственного вуза с использованием информационных технологий.....</i>	134
<i>И.Р.Хужамуратов. Традиции орашаемой земледелие в Узбекистане.....</i>	137
<i>М.Э.Абдураимова. Гимн о солнце в «Авесте».....</i>	143

аҳамияти ва бошқа омиллар ҳақида ўз илмий қарашларини билдирган. Мақолада қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим олаётган талабаланинг касбий компетенциясини ривожлантириш масалари ҳам келтирилган.

S.L.SALIKHOVA

The main issues of teaching to english language listening by information technologies the students of the agricultural high educational institutes

In this article is given scientific information about practical importance of teaching English, some problems in acquiring the foreign language and using information technologies in improving listening skills of English language besides useful methods of improving the efficiency of English lessons. There is also some importance of English teaching guides and books. The development of professional competence of specialists of agricultural sphere in learning English is one of the main features of education.

ЎЎК: 87+631

И.Р.ХЎЖАМУРОДОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Ўзбекистонда милоддан аввалги III-II минг йилликларда суғорма деҳқончилик кенг тарқала бошлаган. Ўша даврлардаёқ Зарафшон қаби йирик дарё соҳилларида, Хоразм воҳасида экин ерларнинг ўзлаштирилиши ривожланади. II минг йиллик охирида -I минг минг йиллик бошларида Фарғона водийси ўзлаштирила бошлаган. Асрлар оша маҳаллий зироатчиликда ер унумдорлигини тиклаш ва агротехника усулларини такомиллаштириш, тупроқни ўғитлашнинг ҳар хил усуллари пайдо бўлиб, суғориш ва шўрни ювиш қаби усуллар кенг жорий қилинган. Айниқса, милоддан аввалги I минг йилликда Хоразмда йирик иагистрал каналлар қуриш, ҳар хил сув тақсимлаш ва сув чиқариш иншоотларини тиклаш авж олган. Қадимий Оққадарё ҳавзасида топилган суғориш иншоотлари, марзаланган далаларнинг излари қадимги Мисрдаги классик ҳавза деҳқончилигини эслатади. Аждодларимизнинг ушбу соҳадаги бой тарихий мероси ва анъаналари бугунги кунда суғорма деҳқончиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлади деб ўйлаймиз. Ушбу мақолада суғорма деҳқончиликка эътибор масаласи тарихий меросимизда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: *Авесто, Вандидод, Зардушт, Яштлар, Ардвисура Анаҳита, Тиштар, суғорма деҳқончилик, мелиоратив ҳолат, анъана, суғориш усуллари, лалмикор ерлар*

КИРИШ

Ўзбекистон худудидаги зироатчилик суғориш хусусиятлари ва экин турлари билан фарқланган. Масалан, суғорма деҳқончиликни маҳаллий аҳоли “сувли ер”, “тирама” ёки “обикор”, “оби”, суғорилмайдиган ерларни “лалми” ёки “баҳори” деб номлаганлар. Фарғоналиклар тирама экинларни яна иккига бўладилар: эрта экиладиган “оқ” ва кечроқ ҳосил берадиган “кўк” экинлар. Хоразмда ҳам лалмикор суғорма ерлар “оқ ер” деб аталиб ариқлардан ортган қуйи оқимдаги сувли ерларга шולי экилиб, унга “шоликори ер” деб ном берилган.

Суғорма деҳқончилик хўжаликлари асосан қадимий воҳаларда- Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент воҳаларида, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзаларида, Фарғона водийсида жойлашган.

Қадимги аждодларимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ариқ қазиш, канал

чиқариш, сув ҳавзалари- дамбалар қуришга ҳам алоҳида эътибор беришган. “Вандидод” ва Яштларда қадимги Хоразмнинг суғориш тизими ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Баъзи лавҳаларда у ёки бу дарё шохобчаларининг пайдо бўлиши тарихи баён этилган. “Авесто”даги далиллардан маълум бўлишича, ўша даврларда биргина Амударёдан мингта шохобча ва мингта анҳор ажралиб чиққан экан.

“Билгилким Ардвиссура Анаҳита минг дарёча ва минг анҳор уларнинг ҳар бир чакқон йигитнинг қирқ кунлик чопадиган йўл узунлигида бўлиб, дарёи Фароғи Қарт томон оқсин. Тўлиб-тошиб оқаётган бу сувлар бора- боргунча соҳилларни сероб қилсин. Менинг изимда бўлган ана шу сувлардан етти кишварга ариқлар оқсин, суви кишин- ёзин асло қамаймасин, у эркаклар пуштию аёллар сутини пок этсин”.

Табаррук манбада бу фикрлар давом эттирилиб, дарё сувларининг рўйи заминни обод этиши куйидагича мадх этилади:

“Улуғлиги билан яшнар,

Ғаройибдир окин ирмоқлари ғоят

Ва юксакдир,

Мудом бир ўй билан банд:

У – қудратли, ёруғ, юксак, сарвқомат

Ким сувлари оқиб ётар кеча- кундуз,

Сероблиги рўйи замин узра оққан

Сувларга тенг,

Куч- қуввати тўлиб- тошган,

Мудом олға интилар”.

(«Авесто». Яштлар, Ардвисура Анаҳита касидаси, 170-171 бетлар)

Аждодларимизнинг маънавий меросида тирикликнинг асоси бўлган сувларнинг пайдо бўлиши ва манбаи тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, у куйидагича изоҳланади:

“ Тўртга айғир яратди Ахур Мазда:

Шамол, ёмғир, булут ҳамда дўл.

Ҳамиша ва ҳар қачон Сипийтмон Зардушт,

Тўрт нафар айғирнинг иродаси-ла,

Зухур этди тўртга ҳаводис:

Ёмғир, қорлар ёғдирав

Ҳам дўл билан савалар, сувлар сочар,

Минг томчи сув.

Шарафламоқ истайман олтин

Ҳукариё чўкқиларини

Ва минг эран коматидек юксакликлардан

Оқиб келар Ардвисура Анаҳита.

Рўйи замин узра окин сувларга тенг

Баландлик билан,

Кучга тўлиб, интилар олға”.

(«Авесто». Яштлар, Ардвисура Анаҳита касидаси, 181 бет)

Тарихий ёдгорлигимиз “Авесто”нинг “Вандидод” қисми Тиштар қасидасида ҳаётнинг манбаи сувлар шундай улуғланади:

“- Эй, Сипийтмон Зардушт!,- дейилади манбада:

Ўшанда покловчи ва дармонбахш равон сув Фароғ Карт дарёсида туғёнга келади.

Бу сувни забардаст Тиштар ўлкаларга бахш айлайди. У ернинг одамлари Тиштарни алқайдилар, иззат- эҳтиром ва хушнуд қиладилар.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман”.

“- Қачон чашмалар кўркам экинзорлар, хонумонлар, даштлар сари равон бўлади ва гиёҳлар иллизини ўз намлигидан баҳраманд айлайди.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз, баланд овоз билан ҳамда завр билан олқишлайман”.

(«Авесто». Вандидод, Тиштар қасидаси, 238-239 бетлар)

Маълумотларга кўра, айрим дарёнинг узунлиги, улар сув билан таъминлайдиган минтакалар аниқ кўрсатилган. Агар Ҳерируд Ҳирот ҳамда унинг атрофларини сув билан таъминласа, Пурут ва Ишкат тоғларидан оқиб келадиган Навтак сувлари бир неча ўлкани обод қилади:

“У ерда тезоб ва кенг дарёлар мавжуд. У ердаги кенг анҳорлар ва Наватларнинг кўпириб оқадиган сувлари Ишкат ва Пуратлардан янада қудрат пайдо қилиб, улар билан учрашиб, марв, Ҳирот ва Суғд томонларга шиддат билан оқиб боради”. Сеистонни Ҳирманд, Хомун, Хурдор, Амвонни, Сафед дарёчалари сув билан таъминлайди.

Табаррук манбада баъзан у ёки бу дарёдан пайдо бўлган янги ирмоқлар эслатилади, айрим шохобчаларнинг вужудга келиши у ёки бу тарихий шахс билан боғланади. Масалан, Вангроздо, Уждонунон Амударёнинг янги пайдо бўлган ирмоқлари бўлса, “Ҳирманд ва Каёнис дарёлари Ушидам тоғларидаги қорлар эриб, оқиб келадиган сувлардан вужудга келган”, Хуштаро, Хушпо, Фардно, Хорнангги, Уўтун, Урудо, Арзи, Зарнимитий анҳорлари кўп боғу роғлар, яйловларни обод қилиб, акаваси Каёнис дарёсига бориб қўшилади. Бундан ташқари Каёнисга улкан Хирманд дарёсининг ирмоқлари бўлмиш Райманд ва Фармандлар ҳам келиб қўшиларкан. Амударёнинг учта ирмоғи бевосита Гуштасп, Афросиёб ва Кайхусров сингари тарихий шахслар билан боғлиқ тарзда изоҳланади; шунинг учун ҳам улар тарихда “дарёчаи Хусрав” деб юритилади.

“Вандидод”нинг айрим фарғардлари, Замяд Яшт, Ардвиссура Анаҳиталарда яна ўнлаб дарёлар, руд ва анҳорлар хақида қизикарли далиллар мавжуд.

“Авесто”нинг Ардвисура Анаҳита қасидасида Мазда бунёд этган Ардвисура Анаҳитанинг тиниқ ва тавфиқли сувлари шарафланади:

“Қутлуғ қадам ҳамда беҳудуд,

Узунлиги тенг курраи замин оралаб

Оққан барча дарёларга, барча сувларга,

Ҳукариё чўкқисидан улокиб, баҳри

Варқушага етгувчи ўктам.

Варқушанинг қирғоқлари қайғуда қолар,

Кўкрагида кўпгай ваҳм ичра тўлқинлар,

Қачон уларнинг сорига,

Қачон улар жонибига елиб келгай

Ардвисура Анаҳита.

Унингким минг кўрфази бор,

Ҳар бир кўрфаз ўтрусидан,

Ҳар бир шохоб ўтрусидан

Қирқ кун сургай арғумоғин

Бебок чавандоз.

Сувларимнинг бир ирмоғи- бир шохоби

Ётар етти иқлимга ҳам”.

(«Авесто». Яштлар, Ардвисра Анахита касидаси, 170 бет)

Суғорма дехқончилик ниҳоятда катта меҳнат натижасида амалга ошган. Йирик суғориш иншоотларини қуриш ва уларни мунтазам равишда ўз вақтида тозалаш ва таъмирлаш ишлари катта маблағларни, жуда кўп кишиларнинг уюшган куч- ғайратини талаб қилган. Бундай харажатлар ва оғир меҳнат даставвал кенг меҳнаткаш аҳоли зиммасига юкланган ва асрий жамоатчилик анъаналари асосида бошқарилган.

Минг йиллар давомида тўпланган бой тажриба маҳаллий аҳолининг мураккаб сув хўжалиги тартиби ва техникасини яратиш ва уни ташкил қилиш ҳамда жорий этиш йўлида муайян анъанани юзага келтирган эди. Ўтган асрда бундай ҳолатни кузатган бир муаллиф буни қуйидагича изоҳлайди: “Ўрга Осиёнинг ҳар қайси кишлоғидаги ирригация тизими сув орқали ҳаммага ҳаёт бағишлаши билан қон томири тизимига тамомила ўхшаб кетади. Турмушда сув ана шундай эҳтиёт қилинган. Сув бор жойда бойлик, экинзорлар, полизлар, боғ- роғлар, бир неча чақирим узоклашсангиз қакраб ётган дашти биёбон”.

Ўзбекистонда табиий- географик шароит турлича бўлиши туфайли хилма-хил сунъий суғориш усулларидан фойдаланилган. Соё оқаваси, ҳавза ва ҳовузларда сув тўплаш, чиғирлар орқали чуқурдан сув чиқариш, канал ва ариқлар қазиб йўли билан сув келтириш қадимдан сақланиб келган. Ариқ ва каналларга дарёлардан саё орқали сув чиқариш усули жуда кенг тарқалган. Бу нисбатан қулай ва ишончли усул бўлса-да, асли ниҳоятда мураккаб ва сермахсул ҳисобланган. Магистрал каналлар воҳадаги ерларни суғориш учун қазиб, дарё қирғоқларининг ҳолатига қараб унинг ўнг ва чап соҳилидан қазиб чиқарилган. Мазкур каналлардан шохобчалар, сўнгра улардан майда суғориш тармоқлари ажралиб чиққан. Қорабуранинг йўғонлиги баъзан бир неча метр, узунлиги эса бир неча ўн метрт қилиб тайёрланган. Масалан, суғорма дехқончиликнинг классик ўлкаси ҳисобланган Хоразмда барча каналлар ҳар йили кузда қазиб тозаланган, кейин туғонлар очилиб ариқларга сув юборилган. Полвонёб каби йирик каналларни тўсиш учун беш- олти қорабура ясаб ташланган. Сув ҳажмига қараб қорабуралар бирин- кетин олинган. Айрим дарёларда сув тошқини бўлиб, фожиали аҳволни юзага келтирган.

Хоразмда Амударё экин ерларидан баландда оқади, шунинг учун дарё сатҳи кўтарилганда суғориш тизимларини барбод қилиш, тевақатрофдаги экинзор ва аҳоли яшайдиган жойларни сув босиб кетиш хавфини туғдириб турган. Бу ҳолат тўғрисида профессор И.Жабборов қуйидаги мисолни келтиради. XX нинг бошларида аҳволни

кузатиб ўрганган олим С.К. Кондрашов бундай деб ёзади: “Амударё қутурган пайтда маҳаллий гидротехника иншоотлари унинг олдида мутлақо ожизлик қилар эди. Дарёнинг бирор еридан шарққа томон оқиши амримахол, унинг ғарбий қирғоғидаги қумли қиринди чиқинди ерлар, ороллар ювилиб, бу участкалардаги каналларнинг юқори қисми қуриб қолади, ғарбий қирғоқдан ерларга то янги сув йўллари очилмагунча сув чиқмайди. Дарё ғарб томонга силжиб борганда, шарқий қирғоқни сувсиз қолдиради... Амударё аҳоли яшайдиган жойларни емириб, экинзорларни ва каналларни ювиб оқизиб кетади, олд томондаги ерларни барбод қилиб, орқа томондаги кўп ерларни сувдан маҳрум қилади. Бундан ташқари сув тошқини пайтида Амударё баъзан пастлик ерларни босиб кетади. Нишаб ерлар ва паст қирғоқларда тошқин вақтларда сув жуда кенг ёйилиб оқади” [5]

Катта- кичик каналлар ва ариқларга оддий туғонлар қуриш йўли билан дарёлардан сув чиқариш техникаси кенг тарқалган. Шох- шабба, ажриқ ўтлар, кесак- тошлардан махсус қорабура ёки бард ясаиб дарёнинг секин оқадиган жойларига ташланиб туғон қилинган. Баъзан бундай туғонлар мураккаб суғориш иншоотини ҳосил қилган.

Мамлакатимизнинг баъзи ҳудудларидаги қадимий канал ва дарёлар жуда шўх оққанлигидан ўзанларини тобора чуқурлаштириб юборганлиги туфайли сув экинзорлардан анча пастда оққан. Бундай пайтда аҳоли кашф этган махсус сув чиқариш механизмларидан фойдаланилган. Суғориш ишларининг Миср каби энг қадимий ўлкаси ҳисобланган Кўҳна хоразмда ҳам сув чиқарадиган ҳар хил механизмлар жуда кенг тарқалган. Улардан энг машҳури чиғир (Мисрдаги “сакия”) дир. Ўзига хос сув чиқарадиган оригинал механизм ҳисобланган чиғир ёғочдан қурилган оддий ғилдиракдан иборат бўлиб, унга сув тўлдириб турадиган махсус сопол идиш- дигирлар бириктирилган. Мазкур ғилдирак горизантал ўққа ўрнатилган бўлиб, иккита тишли шестернялар билан бирлаштирилган ва ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилган. Одатда чиғир катта ва кичик хилда бўлган. Каттаси кичигидан ғилдирагининг диаметри ва дигирлар сони билан фарқ қилган. Кичик чиғирнинг горизантал ўқи калта ва сув чиқариб берадиган ғилдираги ер сатҳидан сал кўтарилиб кўриниб туради. Иккита шестерняли ғилдиракнинг тишлари мойланиб вертикал ўқнинг учига эса совун суртиб турилган. Чиғир билан бир кеча- кундузда икки ботмон (сал кам икки гектар) ерни суғориш мумкин бўлган. Маҳаллий ёғочсоз усталар томонидан ясалган чиғирларнинг барча қисмлари одатда 8-10 йилдан сўнгра алмаштирилиб янгиланган.

Мазкур чиғирлардан ташқари магистрал канал ва ариқларнинг бўйларида чархпалак (Сув чиғир) лар ҳам ўрнатилган. Чархпалак бир хил бўлиб, у одатда сув кучи билан ҳаракатга келтирилиб, ишлаш принципи ва механизми ёрдамида сув чиқариш зарафшон, Фарғона, Сурхондарё водийларида ва Тошкент воҳасида кўпроқ ишлатилган.

Булок, ҳовуз ва коризлар орқали суғориш бирмунча чекланган бўлиб, улар асосан Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларида учрайди. Барча тоғли водийларда энг кенг тарқалган усул булок сувлари ҳамда тоғ ирмоқларидан пайдо бўлган кичик- кичик дарё ва сойлардан ариқчалар чиқариб экинлар суғорилган. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида булок сувларининг ўзанига катта харсанг тошлар ташлаб ҳовузчалар қурилган. Ҳовузга етарли сув тўплангандан сўнг тўғоннинг ички томонида қолдирилган махсус тешик очилиб, экинларга муайян тартибда сув берилган. Мазкур ҳовузчаларни яқин вақтларгача Шеробод, Бойсун ва Нурота туманларининг тоғ ва тоғ этақларидаги қишлоқларда учратиш мумкин эди.

Бухоро ва Қарши даштларида асосан чорвачилик билан шуғулланадиган аҳоли ўз томорқаларида полиз ва бошқа экинларни қудуқ суви билан суғоришган. Қудуқдан оддий мослама қовға ёки меш пақирни арқон билан кўпинча ҳайвон (туя, от ёки эшак) кучи билан тортиб чиқариб сув олинган. Бу усул қоялик, Майманак ва Косон туманларида сўнгги вақтларгача ишлатилган.

Ўзбекистондаги суғориш шохобчалари катта ариқ ёки арна, ариқ ёки ёб, ўқариқ ёки солма, оқава ариқ ва бошқаларга бўлинади. Одатда битта ариқ бир қишлоқни таъминлаган, шунинг учун ҳам у асосан ўша қишлоқдаги қабила, уруғ, бир авлод ёки жамоа номи билан аталган. Масалан, Қалмоқ ариқ, Қўнғирот ариқ, Қипчоқёб ёки Полвонёб ва ҳақозо. Баъзан канал ва ариқлар шу иншоатни яратган ёки қурилишида бош бўлган, ёки ташаббус кўрсатган шахс номи билан ҳам аталган.

Барча суғориш иншоатларини ҳар йили, албатта, чопиб тозалаб туриш шарт бўлган. Йирик каналлар қазиш ва уларга тўғонлар қуриш, айниқса, оғир бўлиб, бу ишлар асосан қиш ёки эрта кўкламда бажарилган ва жуда кўп иш кучи жалб қилинган. Масалан, Хива хонлигида ариқларни тозалаш учун 700 мингга Яқин иш кучи сарф қилинган. Тошкент волостида эса биргина Заҳарикни тозалаш ва тузатишга 42 минг иш кучи талаб этилган. Зарафшоннинг қуйи оқимидаги катта ариқни тозалашда уюштирилган ҳашар 15 кун давом этган.

Ўрта Осиё хонликларида суғориш ва катта ариқларни тозалаш ҳамда таъмирлаш ишларини

назорат қилиш бирор тўра ёки амалдорнинг зиммасига юкланган. Туркистон ўлкасида эса бу ишлар устидан маҳаллий олий ҳукумат томонидан тайинланган ариқ оқсоқоли назорат қилиб турган. Аҳоли ичидан сайланиб қўйиладиган кўп сонли мироблар ана шу тўра ва оқсоқолларга бўйсунган. Тўғонларга қараб туриш учун махсус кишилар-тўғончи ёки соқочи ёлланган.

Одат бўйича суғориладиган ерларнинг кўпчилигида, айниқса, Зарафшон ва Хоразм водийсида, экинлар сувга муҳтож пайтида, сувга танқислик сезилса, ундан навбат билан фойдаланишга қаттиқ риоя қилинган, сув кўпинча чек билан тақсимланган. Биринчи навбатда ариқ этагидаги ерларга, кейин ариқ охиридан иккинчи майдонга, сўнг юқорироққа сув берилган. Зарафшоннинг қуйи оқимидаги экинларни сувбилан таъминлаш мақсадида дарёдан сув оладиган катта ариқларнинг ўрта оқимида тўғон қурилган. Бу ариқ мавсумда икки марта- майнинг иккинчи ярмида ва августнинг охирида тўғондан бўшатилар эди. Ҳатто кичик ариқларга ҳам сув навбат билан тақсимланган. Дехқонлар ўз навбатини сабр- тоқат билан кутар, сувдан фойдаланиш тартибини бузганлар эса қаттиқ жазоланган, сувдан маҳрум қилинган, пул жаримаси тўлаган ва ҳатто қамок жазосига ҳукмқилинган.

Сув миқдори муайян тартибда ўлчанган. Масалан, “бир сув” (арикдан бир кеча- кундузда оқиб ўтган сув), “бир тегирмон” ёки “тош” (бир дул донни тегирмонда торгунча кетадиган сув), “бир қўш” (бир қўш хўкиз билан ҳайдалган ерни суғориш учун етадиган сув) ва “бир қулоқ” каби сув ўлчовлари кенг қўлланилган. Қашқадарёнинг сувга танқис туманларида жамоа фойдаланадиган пайкалларда бир қўш ерга бериладиган сув “мўнди” билан ўлчанган. Мўнди тубида тешиги бор, тахминан ўн литр сув сиғадиган оддий сопол кўзачадан иборат бўлиб, ундаги сув оқиб бўлгунига қараб дехқонлар сувни ўлчаганлар.

Суғориш усуллари экин турларига қараб ҳам белгиланган. Шоли, беда ва бошқа бошоқли дон экинлари бўлак ёки тахта- тахта қилиб, бостириб суғорилган. Кўп жойларда бостириб суғориш усулидан ерларнинг шўрини ювишда ҳам фойдаланилган. Шўрни ювишдан олдин ер бир неча марта ҳайдалиб яхшилаб мола босилган ва текисланган. Кўпгина экинлар эгатлар орқали ийдириб суғорилган. Ерни қатқалоқ босмаслиги учун чопиқ қилинадиган экинларга ёндош эгатлар ёки жўяқлар орқали сув оқизилган.

Аждодларимиз ерни ботқоқланишдан сақлаш чорасини азалдан билишган. Улар ботқоқ ерларнинг сувини қочириш учун зовурлар қазишган. Масалан, Бухорога яқин Темур захкаш деб аталган зовур қадимий иншоатлардан биридир. Сувсизлик ва сув босиш хавфи маҳаллий

деҳқонларни турли- туман иаросимлар ўтказиш ва ҳар хил иримларга амал қилишга ундаган.

Ўтган асрда Ўзбекистонда сув хўжалигини такомиллаштириш, барча суғориш тизимларини таъмирлаш ва янги каналлар қуриш тадбирлари кўрилган. Айниқса, Мирзачўлда, Фарғона водийсида, Зарафшонда, Оқдарёда, Шаҳрихон, Заҳарик ва Бўзсувда янги суғориш иншоатлари, сув тақсимлагичлар, тўғонлар қуриш ва бошқа ишлар амалга оширилган. Қашқадарё вилояти туманларини сув билан таъминлаш мақсадида 14 минг киши иштирокида ҳашар йўли билан Лангар канали қурилган. 1939 йилнинг баҳорида 45 та канал ҳашарчилар ёрдамида бунёд этилган. Ўша йили ёзда узунлиги 270 километрли Катта Фарғона каналининг 1,5 ойда қурилиши ўзбек халқи меҳнат жасоратининг намунаси бўлди. Кейинроқ ҳашар йўли билан Каттақўрғон сув омбори, жанубий Тошкент ва Зарафшон каналлари ишга туширилди. Катта Фарғона канали қурилишида Ўзбекистондан 160 минг, Тожикистондан 20 минг киши катнашган. Сув қувватидан тўла фойдаланиш мақсадида 1943 йили Ўрта Осиёда энгт йирик бўлган фарход ГЭС ининг қурилиши тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Урушдан кейин пахта якка ҳукмронлигининг ўрнатилиши сув хўжалигини яна ҳам ўстиришга муҳим омил бўлди. 1980 йилларга келиб, республика 900 дан ортик суғориш тизими, умумий сув ҳажми 4,5 млрд. Куб метр бўлган 15 та йирик сув омборлари, 72 та канал, 400 дан ортик стационар типдаги сув насослари, 25 та катта сув иншоатлари, 70 минг км коллектор ва дренаж қурилишлари мавжуд эди. Бундай ҳолат деҳқончиликда, бир томондан, ижобий натижалар берса, иккинчи томондан, салбий оқиботларни ҳам юзага келтирган эди. Айниқса, йирик сув омборларини қуриш халқимизни жуда кўп серунум тупроқли ерлардан ажратди, экинзорлар эса табиий ўғитдан маҳрум бўлди. Ер таги сувларининг кўтарилиши ботқоқликлар ва шўрликларнинг кўпайишига сабаб бўлган эди. Бунда ҳолат Амударё этакларида, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда жуда оғир экологик аҳволни юзага келтирди.

Мустақиллик йилларида мавжуд экологик тангликнинг олдини олиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилашга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори

ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари белгиланди. Белгиланган вазифаларни бажаришда мутассади ташкилотлар, илмий тадқиқот институтлари олимлари ва мутахассислар томонидан олиб борилган амалий ишлар натижасида суғориладиган тупроқларда содир бўлган деградация жараёнлари: шўрланиш, сув шамол эрозияга учраш, ифлосланиш, дегумификация, сув- физик хоссалари ёмонлашиши ва озика элементларининг камайиши жараёнларининг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш, тупроқ унумдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш, суғориладиган ҳудудларда антропоген таъсирни камайтириш ҳамда тупроқ – мелиоратив ҳолатларини яхшилаш ва соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Бу тадбирни амалга ошириш, биринчи навбатда, суғориладиган деҳқончилик шароитида, сув тақчиллиги ва ерларнинг аксарият қисми кучли шўрланган бир вазиятда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва қишлоқ туманларида экин майдонлари амалда тупроқ унумдорлиги ва ер бонитети бўйича кескин фарқ қилиши билан боғлиқ.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида Ўзбекистонда 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни 74,5 фоизга кўпайтиримш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда.

Бу соҳадаги ишларни узлуксиз ва изчиллик билан давом эттириш тўғрисида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий- иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қуюнчаклик билан таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигида қуйидаги стратегик вазифаларни амалга ошириш шарт: биринчи- экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева- сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш; иккинчи- фермер хўжалиklarининг молиявий- иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш; учинчи- агротехника тадбирларини

молиялаштиришда ижобий натижа бермаётган ва мутлақо чала тизимга барҳам бериш зарур [2].

Бугунги кунда маҳаллий суғориш тизимини такомиллаштириш, суғориш ишларини яхшилаш учун жуда катта маблағлар талаб қилинади. Зовур казиш ишлари, сизот сувлардан фойдаланиш, қувур ва шланглар билан суғориш ва бошқа техник янгиликларни анъанавий усуллар билан бирга олиб бориш сув хўжалигининг ривожланишига, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг яхшиланиши, халқимиз учун керакли бўлган сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олишга ёрдам бериши мумкин. Бу борада мамлакатимизда самарали, келажакни ўйлаб катта амалий ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизнинг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, бугун “Ўзбекистонда 4 миллион 300 минг гектар суғориладиган ер бор. Унинг катта қисми- 80-85 фоизи шўрланган, 60 фоизи кучли даражада шўрланган. Биз триллион- триллион, миллиард- миллиард сўм маблағларни шу муаммони ечишга сарфляпмиз.

Мамлакатимиз бўйича келгуси беш йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 1 триллион 860 миллиард сўм, ирригация

тармоқларини модернизация қилиш учун 3 триллион 144 миллиард сўм ва 584 миллион долларлик хорижий инвестицияларни йўналтириш режалаштирилганлиги бу масала доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолишини кўрсатади”[1].

Юқорида баён қилинган фикрлар аждодларимиз ўзларининг амалий фаолиятларида ерларнинг мелиротив ҳолатини яхшилаш, суғорма деҳқончилик анъаналарини асраб- авайлаш ва уни ривожлантиришга жиддий эътибор берганликларини кўрсатади.

ХУЛОСА

Умумлаштириб айтганда, биз халқимизнинг суғорма деҳқончилик анъаналарининг қадимийлиги ва ўзига хос хусусиятларини қисқача таҳлил қилдик. Ўйлаймизки, халқимизнинг тарихий меросида баён этилган суғорма деҳқончилик анъаналари тўғрисидаги қимматли фикр ва тажрибалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, мамлакатимизда Аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига эришиш ва ёшларда деҳқончилик маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент давлат аграр университети

*Қабул қилинган вақти
25 октябр 2017йил*

Адабиётлар

1. *Каримов И.А.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажакни йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир.-Т.: Ўзбекистон, 2015.-Б.-175-176.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, катъий тартиб- интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир рағбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон, 2017.-Б.-41.
3. *Авесто.* Тарихий- адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.-Т.: Шарқ, 2001,-Б.- 170-7-171, 181, 238-239.
4. *Бойс М.* Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М., 1988.-С.- 55-79.

5. *Исо Жабборов.* Ўзбеклар.-Т.: Шарқ, 2008.-Б.-37-38.

6. *Хўжамуродов И.Р.* “Авест”да она-заминнинг эъзозланиши// Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси, 2001 йил 1-сон. -Б.-120-124.

7. *Хўжамуродов И.Р.* Маънавий меросимизда сув- ҳаёт манбаи эканлиги// Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси, 2005 йил 2- сон. Б.- 120-125.

8. *Хўжамуродов И.Р.* Маънавий меросимиз “Авесто”да мўл- кўлчилик масаласи// Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси, 2014 йил 2(56) сон. Б.- 89-92.

И.Р.ХУЖАМУРАДОВ

Традиции орашаемой земледелие в Узбекистане

В Центральной Азии вода ценится с древних времён. По этой причине в Узбекистане особое внимание уделялось рытью каналов, добыче воды и орошению, использованию речных водных ресурсов для развития земледелия. В этой статье сказано, что историческое наследие наших народов «Авеста» являлось ценным не только наших предков, отцов и дедов, оно также послужит руководством к действию для наших современников и потомков. А так же выражается мысль о необходимости использования в настоящее время идей о почитании воды и традиции орашаемой земледелие как источник жизни, выдвинутых в богатом наследии наших предков «Авесте», в дальнейшем углублении эффективности проводимых в нашей стране реформ в аграрной сфере и формирования у молодёжи земледельческой культуры.

I.R. KHUJAMURADOV
The tradition of irrigated agriculture in Uzbekistan

In Central Asia, water is valued since ancient times. For this reason, in Uzbekistan special attention was given to the river channel, the extraction of water and irrigation, the use of river water for agricultural development. This article states that the historical heritage of our peoples, «Avesta» is valuable not only to our ancestors, parents and grandparents, they also serve as a guide for our contemporaries and descendants. And also expressed a thought about the need to use now ideas about honoring water and tradition of irrigated agriculture as a source of life, put forward in the rich heritage of our ancestors, «Avesta» in the further deepening of the effectiveness of our country's reforms in the agricultural sector and the formation of young people farming culture.

ЎЎК: 86.36.

М.Э.АБДУРАЙМОВА

“АВЕСТО”ДА ҚУЁШ МАДҲИ

Марказий Осиёда аجدодларимиз томонидан қадимдан Қуёш қадрланиб, эъозланиб келинган. Аждодларимиз Қуёш инсонлар ва бутун тирик мавжудотлар учун бебаҳо неъмат, тирикликнинг асоси эканликларини теран англаганликлари сабабли, уни эъозлаб, Қуёшни илоҳийлаштириб, шарафлаганлар, унга сажда қилиб, фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Қуёш ва унинг нури туфайли ерда ҳаётнинг мавжуд бўлиши, фақат Қуёш туфайли инсонлар ва барча тирик мавжудотлар учун зарур бўлган озиқ- овқат маҳсулотлари яратилиб, қут-баракага эришиш мумкинлигига ота- боболаримиз қаттиқ ишонганлар. Аждодларимизнинг Қуёшни эъозлаш борасидаги бой маънавий мероси бугунги кунда мамлакатимизда аграр соҳа ривожланишида муҳим манба бўлади деб ўйлаймиз. Ушбу мақолада Қуёшни эъозлаш ва уни мадҳ этиш масаласи Буюк маънавий меросимиз “Авесто”да алоҳида ўринга эга эканлиги тўғрисида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: *Авесто, Қуёш, Зардуштийлик, Аҳура Мазда, Олов, Митра, Яитлар, Офтоб, Қуёш қасидаси.*

КИРИШ

Халқимизнинг буюк тарихий- адабий ёдгорлиги “Авесто”¹да тирикликнинг манбаи бўлган қуёш илоҳийлаштирилиб, шарафланган. Аждодларимиз қуёшга сиғиниб, уни тавоф қилиб, қурбонликлар қилган. Зардуштийлик динига эътиқод қиладиган аждодларимиз ердаги оловни қуёшнинг боласи деб ўйлаганлар ва унга сиғинганлар. Зардуштийлар удумига кўра ҳар ойнинг 11 куни – “Қуёш куни” деб юритилиб, ўша куни қуёшга ҳамду санолар ўқилган, барча таот-ибодатлар унга бағишланган. Бундан ташқари қуёшдан вақтни ўлчайдиган восита сифатида ҳам фойдаланганлар. Зардуштийлик динида бир кеча-кундузда беш марта ибодат қилишган, унинг вақтини “Қуёш ҳаракати” билан белгилаганлар.

- 1) Қуёш чиқишидан чошгоҳгача.
- 2) Чошгоҳдан пешингача.
- 3) Пешиндан қуёш ботгунча.

4) Қуёш ботгандан тун ярмигача.

5) Тун ярмидан қуёш чикқунга қадар.

Ибодатдаги дуоларда эзгу илтижолар, самимий дил сўзлари ўз аксини топган. Ибодат қилувчининг бутун диққат- эътибори саждага қаратилган бўлиб, барча нарсалар унутилади, ўзидан кетиш даражасида жад билан илоҳга бағишлайди. Саждадан кейин ўзини енгил ҳис этиб кайфияти яхшиланади. Фикратлари покланиб, сўзлари майинлашади, амаллари яхшиланади.

“Авесто” матнларида айтилишича, дунёни яратиш учун Худо аввалига ўз вужудидан нурланувчи, думалок ва узоқдан кўринадиган “олов шаклини” яратади. Шу боис, Олов- зардуштийлик худоси Аҳура Мазда яратган етти унсурдан бири сифатида Қуёшдан тортиб то уй ўчоғидаги оловгача муқаддас саналган. Зардуштийликда катта ва кичик фазовий оловларнинг Ердаги инъикоси тушунчасига биноан, фазодаги Қуёш нурига-Ердаги ибодатхоналарнинг эътиқод оловлари алангаси, юлдузлар шуъласига эса- инсон кўзларининг нури мос келар экан. Шу сабабли,

¹ “Авесто” тўғрисидаги маълумотлар “Авесто”. Тарихий- адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси.-Т.: “Шарқ”, 2001, китобдан олинди.